O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI

# Ипотека кредитлари шарҳи



2022 йил учун

# МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| 1 | Кириш…………………………………………………………........................................ | 2 |
| 2 | Ўзбекистонда ипотека кредити бозори ҳолати................................ | 3 |
| 3 | 2022 йилда ажратилган ипотека кредитлари................................. | 7 |
| 4 | “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари........... | 12 |
| 5 | Тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари ………………………………………………………........ | 17 |
| 6 | Қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш учун ажратилган кредитлар …………………………………………….................... | 19 |
| 7 | Ипотека кредитларининг қайтувчанлик ҳолати…………………… | 21 |
| 8 | Кўп квартирали уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳолати…............... | 23 |
| 9 | Иловалар………….................................................................................. | 33 |


© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш департаменти томонидан тайёрланган.
Фикр ва таклифларингиз учун:
Электрон манзил: sxolmurodov@cbu.uz
Тел.: (71) 212 60 99 (*ички-26372*)

# Кириш

Самарали уй-жой сиёсати аҳолини ижтимоий мамнунлик кайфиятини оширувчи ислоҳот сифатида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 25-моддасида аҳолининг қулай уй-жойга эга бўлиши бевосита унинг яшаш ҳуқуқининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилган[1]. Бирлашган миллатлар ташкилотининг таҳлилларига кўра дунё аҳолиси 2030 йил якунига қадар **8,5** миллиардга етади ҳамда уларнинг **3** миллиардига қўшимча янги уй-жойлар ва асосий инфраструктура иншоотлари зарур бўлади[2].

Аҳолининг демографик ўсиши ва сўнгги йиллардаги иқтисодий фаоллик Ўзбекистонда уй-жойларга бўлган талаб ва таклифни ортишидаги энг асосий омиллардан бири бўлмоқда. 2022 йил якуни бўйича Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиши **2,1** фоизни, 1 км. кв.га тўғри келадиган аҳоли сони **80,2** кишини ташкил этиб, глобал ўртача *(60 киши)* кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори шаклланди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда ипотека бозорида амалга оширилаётган самарали ислоҳотлар натижасида уй-жой бозорини ривожлантириш учун ажратилган кредитлар қолдиғининг *(уй-жой қурилиши учун пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва аҳолига ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи)* ЯИМдаги улуши 2018 йил 1 январь ҳолатидаги **3,6** фоиздан 2023 йил 1 январь ҳолатига **5,5** фоизга ошди.

Уй-жойга бўлган талабни шакллантирувчи омилларнинг тобора таъсирини ортиб бораётганлиги ипотека бозорини давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида доимий такомиллаштириш, **аҳоли даромадлари даражаси ва уй-жой қийматига** монанд равишда ипотека дастурлари сони ва кўламини кенгайтиришни тақозо этади.

---

[1] United Nations. General Assembly. (1949). *Universal declaration of human rights* (Vol. 3381). Department of State, United States of America.

[2] Housing finance. The World Bank. https://www.worldbank.org/en/topic/financialsector/brief/housing-finance

## I. Ўзбекистонда ипотека кредити бозори ҳолати

Сўнгги йилларда кредитлаш жараёнларининг соддалаштирилиши ҳамда аҳолининг уй-жой сотиб олишга бўлган талабининг ошиши ипотека кредитларига бўлган талабнинг сезиларли даражада ўсишига олиб келди.

Хусусан, 2022 йил якунлари бўйича аҳолига ажратилган ипотека кредитлари **14,4** трлн.сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан қарийб **1,5 баробарга** ошди ҳамда унинг қолдиғи **46,4** трлн. сўмга *(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга ошди)* етди. Бунда, мазкур кредитларнинг аҳолига ажратилган жами кредитлар қолдиғидаги улуши **46** фоизни ташкил этди.

### 1-жадвал. Ипотека кредитларининг асосий кўрсаткичлари

| | 2020 йилда | 2021 йилда | 2022 йилда |
|---|---|---|---|
| **Ажратилган ипотека кредитлари,** *млрд. сўмда* | **9 122** | **9 794,1** | **14 371,2** |
| - бирламчи бозорда | 8 841 | 7 351,5 | 10 784,3 |
| - иккиламчи бозорда | 281 | 2 442,6 | 3 586,9 |
| **“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари,** *млрд. сўмда* | **1 746** | **4 846,2** | **8 501,7** |
| - 1 ва 2 хонали квартира учун | 748 | 2 442,4 | **4 261,6** |
| - 3 ва ундан кўп хонали квартира учун | 998 | 2 083,8 | **3 183,8** |
| - якка тартибдаги уй-жойлар учун* | | 320 | 1 056,3 |
| **Банк ўз имкониятлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари,** *млрд. сўмда* | **2 043** | **867,1** | **3 786,1** |
| **“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари,** *млрд. сўмда* | **61,9** | **1 956,8** | **167** |
| - бирламчи бозордага уй-жойларга | 0,9 | 2,4 | 1,4 |
| - иккиламчи бозордаги уй-жойларга | 60,8 | 1 931,2 | 125,8 |
| - уй-жойни таъмирлашга | 0,2 | 23,2 | 39,8 |
| | **01.01.2021й.** | **01.01.2022й.** | **01.01.2023й.** |
| **Ипотека кредитлари қолдиғи,** *трлн. сўмда* | **28,3** | **35,8** | **46,4** |

2022 йилда ажратилган ипотека кредитларида **Молия вазирлиги маблағлари** ҳисобидан ажратилган кредитларнинг улуши 2021 йилдаги **92,1** фоиздан **73,7 фоизгача** пасайган бўлса, **тижорат банклари маблағларининг** улуши эса **9** фоиздан **26,3 фоизгача** ошди. Бунда, **“Янги тартиб”**[3] доирасида ажратилган кредитлар улуши 2021 йилдаги **49,5** фоиздан **59,2** фоизгача ўсди.

Мазкур даврда ажратилган жами ипотека кредитларининг **10,8** трлн. сўми ёки **75** фоизи *(ипотека шартномалари сонига нисбатан)* **бирламчи бозордаги** уйлар, **3,6** трлн. сўми ёки **25** фоизи **иккиламчи бозордаги** уйлар сотиб олишга йўналтирилган *(1-жадвал).*

Шунингдек, 2022 йилда нотариус идоралари томонидан жами тасдиқланган уй-жой олди-сотди шартномалар сони **250,3 мингтани** ташкил этиб, шундан **70,9 мингтаси** ёки жами олди-сотди шартномаларнинг **28 фоизи** ипотека кредитлари ҳисобидан молиялаштирилган шартномалар ҳиссасига тўғри келади *(1-расм)*.

**1-расм. Нотариус идоралари томонидан жами тасдиқланган уй-жой олди-сотди шартномалари ва ажратилган жами ипотека кредитлари сони**




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сонли Фармони билан жорий этилган Молия вазирлиги ресурс маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратишнинг “Янги тартиби”.

2023 йил 1 январь ҳолатига ажратилган жами ипотека кредитлари қолдиғининг **26,2** фоизи *(12,2 трлн. сўм)* **Ипотека банк, 21,4** фоизи *(10 трлн. сўм)* **Қишлоқ қурилиш банк, 15,8** фоизи *(7,3 трлн. сўм)* **Миллий банк, 7** фоизи *(3,2 трлн. сўм)* **Асакабанк, 7,9** фоизи *(3,7 трлн. сўм)* **Ўзсаноатқурилишбанк**, **7,3** фоизи *(3,4 трлн. сўм)* **Халқ банки** ҳамда **14,4** фоизи *(6,7 трлн. сўм)* **бошқа тижорат** банклари ҳиссасига тўғри келмоқда *(3-расм).*

**3-расм. 2023 йил 1 январь ҳолатига жами ипотека** *(чап тараф)* **ва ўз маблағи ҳисобидан ажратилган** *(ўнг тараф)* **ипотека кредитлари қолдиғида банкларнинг улуши,** *фоизда*







Эътиборлиси, хусусий тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари қолдиқларидаги улуши жами ажратилган ипотека кредитлари қолдиқларидаги улушига нисбатан сезиларли даражада юқори шаклланди. Хусусан, **Ориент финанс банк** ва **Инвест финанс банк**ларнинг ўз маблағи ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари қолдиғидаги улуши мос равишда **7** фоиз ва **6** фоизни ташкил этиб, бу борада қатор давлат улуши мавжуд тижорат банкларидан юқори ҳиссага эга бўлди.

Ипотека кредитлари қолдиғининг тижорат банклари кредит портфелидаги энг юқори улушлар **Қишлоқ қурилиш банк** *(49 фоиз)*, **Ипотека банк** *(37,3 фоиз)* ва **Халқ банки**да *(15,6 фоиз)* қайд этилган бўлса, ушбу кўрсаткич **Агробанк** ва **Алоқабанкда** мос равишда **1,5** ва **5,9** фоизга тенг бўлди *(4-расм).*

**4-расм. Ипотека кредитлари қолдиғининг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши,** *фоизда*




2023 йил 1 январь ҳолатига ипотека кредити қолдиғи таркибида **15** йилгача ажратилган ипотека кредитларининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6,7** фоиз бандга камайиб, **18,8** фоизни ташкил этган бўлса, **20** йилгача ажратилган кредитларнинг улуши **68,3** фоиздан **73,4** фоизгача ошди. Мазкур ўсиш тенденцияси бевосита сўнгги йилларда “Янги тартиб” доирасида аҳолига **20** йил муддатгача ажратилаётган ипотека кредитлари салмоғининг муттасил ўсиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин *(5-расм).*

**5-расм.**

**2022 якуни бўйича ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили,** *фоизда*




**2021 якуни бўйича ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили,** *фоизда*



## II. 2022 йилда ажратилган ипотека кредитлари

Ҳудудлар кесими бўйича таҳлил қилинганда, 2023 йил 1 январь ҳолатига ажратилган ипотека кредитларининг **60** фоизи **5 та** ҳудудлар ҳиссасига тўғри келиб, бунда **29,9** фоизи *(4 302,5 млрд. сўм)* **Тошкент шаҳри**, **8,2** фоизи *(1 178,9 млрд. сўм)* **Самарқанд**, **8** фоизи *(1 149,4 млрд. сўм)* **Фарғона**, **7,4** фоизи *(1 066,2 млрд. сўм)* **Андижон** ва **6,4** фоизи *(919,1 млрд. сўм)* **Навоий** вилоятида истиқомат қилувчи фуқароларга ажратилган *(6-расм).*

**6-расм. 2022 йилда ажратилган ипотека кредитлари,** *млрд. сўмда*




Ҳудудларда ажратилган ипотека кредитлари миқдорига уй-жойларнинг ўртача нархи бевосита боғлиқ бўлиб, 2022 йил декабрь ойида квартираларнинг **1 км.кв.** учун юқори нархлари **Тошкент шаҳрида** *(10 млн. сўм)*, **Самарқандда** *(8,7 млн. сўм)* ва **Тошкент вилоятида** *(6 млн. сўм)* нисбатан паст нархлар эса **Хоразм** *(3,6 млн.сўм)*, **Жиззах** *(2,9 млн. сўм)*, **Сирдарё** *(4 млн. сўм)* вилоят-ларида кузатилди *(7-расм)*.

Шунингдек таҳлилларга кўра, ҳудудлар кесимида ажратилган ипотека кредитлари ҳажми ҳамда мазкур ҳудудда **1 км.кв.га тўғри келадиган аҳоли сони** ўртасида ижобий корреляция шаклланган бўлиб, улар сонининг ошиши ипотека кредитига бўлган талабни ҳам кўпайишига асос бўлмоқда.

**7-расм. Бирламчи ва иккиламчи бозордаги квартираларнинг 1 м.кв. учун ўртача нархлари,** *млн. сўмда*




*Манба: Марказий банк ва веб саҳифалари*

Хусусан, 2022 йилда ажратилган ипотека кредитларининг юқори сони **Тошкент шаҳрида 14,2** минг та *(1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли сони 8 828 нафар)*, **Хоразмда 4,4** минг та (*311 нафар*), **Фарғонада 6,6** минг та *(585 нафар)* **Тошкент вилоятида 5,5** минг тани *(196 нафар)* ташкил этмоқда *(8-расм)*.

**8-расм. Ҳудудларда аҳоли зичлиги ҳамда ажратилган ипотека кредитлари сони ўртасида боғлиқлик чизмаси**




2022 йилда тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан *(3,8 трлн. сўм)* **400 млн. сўмдан юқори** ҳажмда ажратилган ипотека

кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитлари *(14,4 трлн. сўм)* таркибидаги улуши **9,1** фоизни *(ўтган йилга нисбатан **4,7** фоиз бандга ошган),* **300-400** млн. сўмгача **5,3** фоизни *(+3,7 фоиз),* **200-300** млн. сўмгача **6,5** фоизни *(+5,1 фоиз)* ташкил этиши кузатилди *(9-расм)*.

**9-расм.**

**2022 йилда ажратилган ипотека кредитларининг миқдорига кўра таркибий улуши,** *фоизда*




**2021 йилда ажратилган ипотека кредитларининг миқдорига кўра таркибий улуши,** *фоизда*




Шунингдек, Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан **400** млн. сўмдан юқори ҳажмда ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши 2022 йилда **4,6** фоизни ташкил этган бўлса, мазкур ҳажмдаги ипотека кредитлар 2021 йилда ажратилмаган[4].

Ҳисобот даврида аҳоли томонидан юқори ҳажмли ипотека кредитларига бўлган талабнинг сезиларли даражада ошишини 2021 йилда "Янги тартиб" доирасида ажратилган ипотека кредитларининг юқори қиймати **339,2** млн. сўмдан 2022 йилда **416,5** млн. сўмга ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, 2022 йилда жами ажратилган ипотека кредитлари таркибида **"Янги тартиб"** доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши **59** фоизни *(8,5 трлн. сўм)*, банк ўз маблағлари ҳисобидан ажратган ипотека кредитлари улуши **26** фоизни *(3,8 трлн. сўм)*, "Қишлоққурилишинвест" ИК МЧЖ ва "Ўзшаҳарқурилишинвест" ИК

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сонли Фармонига асосан "Янги тартиб" доирасида ажратилган ипотека кредитларининг юқори қиймати 339,2 млн. сўм сифатида белгиланган.

МЧЖ томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг улуши **13** фоизни *(1,9 трлн. сўм)* ташкил этган бўлса, “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар эса **1** фоизни *(167 млрд. сўм)* ташкил этди *(10-расм)*.

**10-расм. 2020 - 2022 йилларда ажратилган ипотека кредитлари таркибий улуши,** *фоизда*



2022 йил мобайнида ажратилган ипотека кредитларининг **21** фоизи *(3,1 трлн. сўм)* 18-30 ёшгача, **70** фоизи *(10 трлн. сўм)* 31-50 ёшгача, **9** фоизи *(1,2 трлн. сўм)* эса 50 ёшдан юқори фуқароларга ажратилган *(11-расм)*.

**11-расм. 2022 йилда ажратилган ипотека кредитлари мижозларининг ёш бўйича таснифи,** *фоизда*




Жами ипотека кредитлари қолдиғининг **0,1** фоизи *(45,8 млрд. сўм)* **2010 йилгача**, **7,5** фоизи *(3,5 млрд. сўм)* **2011-2016** йилларда, **63,6** фоизи *(29,5 трлн. сўм)* **2017-2021 йилларда** ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келса, **28,8** фоизи *(13,4 трлн. сўм)* **2022 йил** ҳиссасига тўғри келади *(12-расм)*.

**12-расм. Ипотека кредити қолдиғининг ажратилган даври бўйича тақсимоти,** *фоизда*



## III. “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари

2022 йилда **“Янги тартиб”** доирасида **37 418** нафар фуқароларга жами **8,5** трлн. сўм *(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 баробарга ёки **3,7** трлн. сўмга кўп)* миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг **4,3** трлн**.** сўми *(50 фоизи)* **1** ва **2** хонали квартира, **3,2** трлн. сўми эса *(37 фоизи)* **3 ва ундан кўп** хонали квартираларни, шунингдек, **1** трлн. сўми *(13 фоизи)* **якка тартибдаги уй-жойлар**ни сотиб олиш учун берилган *(13-расм)*.

**13-расм. “Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари,** *млрд. сўмда*




“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитларининг энг юқори улушлари **Тошкент** шаҳри *(1,9 трлн. сўм)*, **Самарқанд** вилояти *(1 трлн. сўм),* **Фарғона** вилояти *(0,9 трлн. сўм)* ҳамда **Сурхондарё** вилоятлари *(0,7 трлн. сўм)* ҳиссасига тўғри келмоқда *(13-расм)*.

2021-2022 йилларда **“Янги тартиб”** доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига **13,3** трлн. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилиб, уларнинг энг юқори улуши **Ипотека банк** *(25,6 фоизи)*, **Қишлоққурилишбанк** *(24,5 фоизи),* **Миллийбанк** *(13,9 фоизи),* **Халқ банки** *(10,1 фоизи)* ҳамда **25,9 фоизи бошқа иштирокчи тижорат банклари** ҳиссасига тўғри келмоқда *(14-расм)*.

**14-расм. 2021-2022 йилларда "Янги тартиб" доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари,** *млрд. сўмда*




2020-2022 йилларда **"Янги тартиб"** доирасида ажратилган ипотека кредитларининг *(15,1 трлн. сўм)* **43,6** фоизи *(28 130 нафар фуқароларга 6,6 трлн. сўм)* уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган.

Мазкур кредитларнинг **1,3** трлн. сўми *(19,3 фоизи)* **Самарқанд**, **0,8** трлн. сўми *(12,8 фоизи)* **Сурхондарё**, **0,7** трлн. сўми *(11,1 фоизи)* **Фарғона** вилоятларида ва **0,7** млрд. сўми *(10,9 фоизи)* **Тошкент шаҳрида** истиқомат қилувчи уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқаролар ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, 2022 йилда субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган ипотека кредитларининг **"Янги тартиб"** доирасида ажратилган ипотека кредитлари миқдоридаги улуши **49** фоизни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилга *(25 фоиз)* нисбатан **24** фоиз бандга ошган. Мазкур кредитларнинг асосий қисми **Сурхондарё** *(73,2 фоиз)* **Самарқанд** *(67,1 фоиз)*, **Хоразм** *(60,7 фоиз)* ва **Андижон** *(67 фоиз)* вилоятларида истиқомат қилувчи кам

даромадли ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга йўналтирилди *(15-расм)*.

**15-расм. “Янги тартиб” доирасида субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари,** *млрд. сўмда*




Шунингдек, “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси ойлар кесимида қаралганда, энг паст кўрсаткич 2022 йилнинг декабрь ойида *(17,1 фоиз)* қайд этилди *(16-расм)*.

**16-расм. “Янги тартиб” доирасида ҳамда банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг ўртача фоиз ставкаси**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сонли Фармонида Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоизлар мос равишда камайиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши белгиланган.

Хусусан, Марказий банкнинг асосий ставкаси 2020 йилда **16** фоиздан **14** фоизга туширилди ва бу ўз навбатида, ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайишига олиб келган. Лекин, 2022 йил 17 мартда Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкаси **14** фоиздан **17** фоизга оширилиши, сўнг 10 июнда **17** фоиздан **16** фоизга ва кейин 22 июлда **15** фоизга туширилишига қарамасдан, фуқаролар томонидан олинган ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолди.

Бунга сабаб сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПҚ-199-сон “Марказлашган манбалар ҳисобидан ипотека ва таълим кредитлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш тўғрисида”ги қарорида белгиланган Молия вазирлиги томонидан ажратилган ресурс маблағлари ҳамда тижорат банкларининг ипотека ва таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаларини мутаносиб равишда камайтириш механизми Марказий банкнинг асосий ставкаси **14** фоиздан пасайганда қўлланилиш тартибини келтириб ўтишимиз мумкин.

2022 йилда ажратилган ипотека кредитларининг йиллик ўртача фоиз ставкаси **Ўзбекистонда** айрим қўшни давлатларга нисбатан юқори шаклланиб, **17,1** фоизга тенг бўлган бўлса, мазкур кўрсаткич **Қирғиз Республикасида 17** фоиз, **Қозоғистонда 14,4** фоиз, **Россия Федерациясида** эса **7,1** фоизни ташкил этди ва бу ҳолат ипотека бўйича фоиз тўловларини давлат томонидан қисман қоплаш даражаси билан изоҳланади *(2-жадвал).*

## 2-жадвал. Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатларда ипотека кредитлари ҳолати бўйича солиштирма маълумот

| | | Ўзбекистон | Россия | Қозоғистон | Қирғиз Республикаси |
|---|---|---|---|---|---|
| Марказий банкнинг асосий ставкаси, % | | 15 | 7,5 | 16,75 | 13 |
| Ипотека кредитининг йиллик ўртача фоизи, % | | 17,1 | 7,11 (01/12//2022 й) | 14,4 | 17 |
| Ипотека кредитининг ўртача муддати | | 18,6 йил | 23,6 йил (01/12//2022 й) | 9,8 йил | 12,2 йил |
| Ипотека кредитининг энг узоқ муддати | | 20 йил | 30 йил | 25 йил | 25 йил |
| Ипотека кредитининг ўртача миқдори, $ | | 20 230 $ | 53 468 $ | 32 763 $ | 42 610 $ |
| Ипотека портфелининг ЯИМ даги улуши, % | 2019 йил | 3,8 | 17,5 | 3 | 2,6 |
| | 2020 йил | 4,9 | 9,4 | 5 | 3,8 |
| | 2021 йил | 5,3 | 10 | 3,6 | 2,89 (09/2021й.) |
| | 2022 йил | 5,2 | 10 (25/10//2022 й) | * | * |
| **Пойтахтда янги қурилган уйларнинг ўртача нархи (1 м.кв.) | | 844 $ | 4162 $ | 1 060 $ | 832 $ |
| **Пойтахтда иккиламчи бозордаги уйларнинг ўртача нархи (1 м.кв.) | | 860 $ | 4665 $ | 1 238 $ | 1 054 $ |

***Манба:*** *макроиқтисодий таҳлилларга оид расмий вебсаҳифалар ва иқтисодий тадқиқотлар марказлари анализлари асосида.(frankrg.com, banks.kg, nbkr.kg, nationalbank.kz, cdn5.vedemosti.ru, theglobaleconomy.com, knews.kg, krisha.kz, bishkek.etagi.com ...)*

***квартираларнинг ўртача нархлари тўғрисидаги маълумотлар, очиқ интернет саҳифаларидан таҳлиллар асосида олинди. Реал ҳаётда ушбу кўрсатилган нархларда сотилган/сотиб олинганлиги номаълум.*

Ҳамкор давлатлар пойтахтида қурилган уйларнинг юқори қиймати **4 162** АҚШ долларни ташкил этиб, **Москвада** қайд этилган бўлса, **Тошкентда** ушбу кўрсаткич **844** АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, ипотека кредитларининг энг узоқ муддатлари **Россия Федерациясида 30** йил, **Қозоғистон** ва **Қирғиз Республикасида 25** йил ва **Ўзбекистонда 20** йил, ташкил этди *(2-жадвал)*.

## IV. Тижорат банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари

2022 йилда тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан **15 736** нафар фуқарога **3 786,1** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб **4,4** баробарга кўп демакдир.

Ажратилган кредитларнинг **34,7** млрд. сўми 5 йилгача муддатга (*139 нафар фуқарога, жамига нисбатан 1 фоиз*), **2 193,3** млрд. сўми 10 йилгача муддатга (*9 580 нафарга, 61 фоиз*) ва **1 558,1** млрд. сўми 15 йилгача муддатга (*6 017 нафарга, 38 фоиз*) ажратилган *(17-расм)*.

**17-расм. 2022 йилда банклар ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган жами ипотека кредитларининг ажратилиш муддатига кўра улуши,** *фоизда*




2022 йилда **Халқ банки 901** млрд. сўм *(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,2 баробарга ошган)*, **Миллийбанк 705,5** млрд. сўм *(+15,3 баробар)*, **Ориент финанс банк 560,5** млрд. сўм *(+4,2 баробар)* ва **Давр банк 269,4** млрд. сўм *(+4,5 баробар)* миқдорида ипотека кредитларини ўз маблағлари ҳисобидан ажратган *(18-расм)*.

**18-расм. 2021-2022 йилларда тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари,** *фоизда*



## V. Қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш учун ажратилган ипотека кредитлари

2022 йилда жами ажратилган **14,4** трлн. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари таркибида **6 296** нафар фуқарога **1,2** трлн.сўм *(жамига нисбатан 8,5 фоиз)* миқдоридаги кредитлар қурилиш (реконструкция қилиш) ва таъмирлаш мақсадлари учун ажратилган.

Бунда, “Янги тартиб” доирасида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш (реконструкция қилиш) учун **1** трлн. сўм ва тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан, таъмирлаш мақсадлари учун **164,6** млрд.сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилган.

“Янги тартиб” доирасида якка тартибдаги хонадонлар қуриш (реконструкция қилиш) учун **Фарғона** *(143,5 млрд. сўм)* ва **Хоразм** *(134,5 млрд. сўм)* вилоятларида нисбатан кўпроқ кредитлар ажратилган бўлса, **Наманган** *(42,6 млрд. сўм)* **Самарқанд** *(55,1 млрд. сўм)* ва **Жиззах** *(64,2 млрд. сўм)* вилоятларида нисбатан кам миқдорда ажратилган *(19-расм)*.

**19-расм. “Янги тартиб” доирасида якка тартибдаги хонадонлар қуриш (реконструкция қилиш) учун ҳудудлар кесимида ажратилган кредитлар миқдори,** *млрд. сўм*



Шунингдек, мазкур кредитлар **Халқ банки** *(425,2 млрд. сўм)*, **Қишлоқ қурилиш банк** *(173,8 млрд. сўм)* ва **Миллийбанк** *(128,4 млрд. сўм)* томонидан нисбатан энг кўп ажратилган бўлса, энг кам миқдорлар **Ориент финанс банк** *(0,1 млрд. сўм)* ва **Ипотека банк** *(14,2 млрд. сўм)* ҳиссасига тўғри келмоқда *(20-расм)*.

**20-расм. Тижорат банклари томонидан "Янги тартиб" доирасида якка тартибдаги хонадонни қуриш (реконструкция қилиш) учун ажратилган кредитлар миқдори,** *млрд.сўм*



# VI. Ипотека кредитларининг қайтувчанлик ҳолати

2023 йил 1 январь ҳолатига **Ипотека банк** томонидан **875,4** млрд. сўм *(жами сўндирилган ипотека кредитларининг 23,4 фоизи)* сўндирилган бўлса, мазкур кўрсаткич **Қишлоқ қурилиш банкда 791,3** млрд. сўмни *(21,1 фоиз),* **Миллийбанкда 461,2** млрд. сўмни *(12,3 фоиз),* **Ўзсаноатқурилишбанкда 324** млрд. сўмни *(8,6 фоиз)* ташкил этмоқда.

Сўндирилган ипотека кредитларининг кредит графигига нисбати **Агро банкда 99** фоизни *(кредит графигига нисбатан **37,6** млрд. сўм кўп сўндирилган)* **Халқ банкида 92** фоизни *(+123 млрд. сўм),* **Қишлоқ қурилиш банкда 29** фоизни *(+179,7 млрд. сўм),* **Миллий банкда 43** фоизни *(+138,8 млрд. сўм)* ташкил этган бўлса, **Ипотека банкда 35** фоизни *(+229 млрд. сўм)* ва **Ўзсаноатқурилишбанкида 52** фоиз (+*111,2 млрд. сўм)* миқдорда кредит графигига нисбатан кўп ипотека кредитлари сўндирилган *(21-расм)*.

**21-расм. 2022 йилда сўндирилган жами ипотека кредити миқдори,** *млрд.сўм*




Шунингдек, 2022 йилда **189** минг нафар фуқаролар жами **3,7** трлн. сўм *(кредит графигига нисбатан 1,5 баробарга кўп)* миқдордаги, **103,6** минг нафар фуқароларнинг **1,3** трлн. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари **тўлиқ** сўндирилган. 2021 йилда эса жами **2,3** трлн. сўм миқдордаги, жумладан **10 870** нафар фуқароларнинг **608,9** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари **тўлиқ** сўндирилган.

Сўндирилган ипотека кредитлари *(3,7 трлн. сўм)*, **Тошкент шаҳрида 1,1** трлн. сўмни *(жами сўндирилган ипотека кредитларининг 29,7 фоизи)*, **Қорақалпоғистон Республикасида *297,2*** млрд. сўмни *(7,9 фоиз)*, **Қашқадарёда 282,5** млрд. сўмни *(7,5 фоизи)* ва **Самарқандда 274,9** млрд. сўмни *(7,3 фоизи)* ташкил этди. Шунингдек, 2022 йилда ҳудудларнинг жами муддатидан олдин тўлиқ сўндирилган *(1,3 трлн. сўм ёки 103,6 мингта)* ипотека кредитларидаги улуши **Қашқадарёда 21** фоизга, **Сурхондарёда 13,6** фоизга, **Андижон** вилоятида **9,2** фоизга тенг бўлди. 2022 йилда ипотека кредитларининг қайтувчанлик даражаси **26,1 фоиз**ни ташкил этиб, ўтган йилга *(23,4 фоиз)* нисбатан **2,7 фоиз** бандга ошган *(22-расм)*.

**22-расм. 2022 йилда сўндирилган жами ипотека кредити миқдори,**
*млрд. сўмда*




2023 йил 1 январь ҳолатига аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг ўртача муддати **17,4** йилни, 2022 йилда тўлиқ сўндирилган ипотека кредитларининг ўртача фойдаланиш даври эса **6,3** йилни ташкил этмоқда. Ажратилган ипотека кредитларидан фойдаланишнинг энг узоқ даври **Сирдарёда 7,1** йилни *(ажратилган кредитларнинг ўртача муддати 17,3 йил)*, **Хоразмда 6,9** йилни *(17,3 йил)*, **Жиззахда 6,8** йилни *(16,8 йил)* ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич **Қорақалпоғистон Республикасида 5** йилга *(16,4 йил)*, **Тошкент** *(17,5 йил)* ва **Наманган** *(17,6 йил)* вилоятларида **5,7** йилга тенг бўлди *(22-расм)*.

## VII. Кўп квартирали уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳолати

Мамлакат ипотека бозорини ривожлантириш аҳолини ипотека кредитлари орқали уй-жой сотиб олишини рағбатлантириш билан бир қаторда, пудрат ташкилотларининг кўп квартирали уй-жойлар қуриш лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун 2020 йилда **1,2** трлн. сўм, 2021 йилда **2** трлн. сўм, 2022 йилда эса **2,1** трлн. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига уларнинг қолдиғи **2,8** трлн. сўмни ташкил этди.

**3-жадвал. Тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлашга доир умумий маълумотлар**

| | 2020 йилда | 2021 йилда | 2022 йилда |
|---|---|---|---|
| **Ажратилган кредитлар миқдори,** *млрд. сўмда* | **1 248,5** | **2 011,6** | **2099** |
| - пудрат ташкилоти сони | 199 | 261 | 430 |
| - қуриладиган уй-жойлар сони | 591 | 763 | 840 |
| - қуриладиган хонадонлар сони | 31 895 | 36 788 | 37 868 |
| | 01.01.2021 | 01.01.2022 | 01.01.2023 |
| **Ажратилган кредитлар қолдиғи,** *млрд. сўмда* | **1 906,5** | **2 455,1** | **2815,8** |
| - пудрат ташкилоти сони | 215 | 314 | 546 |
| - қурилган уй-жойлар сони | 444 | 628 | 1 021 |
| - қурилган хонадонлар сони | 27 091 | 33 975 | 50 901 |
| **Жамғарма томонидан берилган кафиллик компенсация миқдори,** *млрд. сўмда* | **176,3** | **124,3** | **456** |
| **Ўртача кредит миқдори** *млрд. сўмда* | **10,2** | **6,6** | **5,5** |
| **Ўртача кредит фоизи** *(жамғарма томонидан берилган компенсация ҳисобга олинмаган)* | **20,5** | **21,3** | **22,3** |
| **Ўртача кредит муддати *(ойда)*** | **27,3** | **20,1** | **22,7** |
| **Фойдаланишга топширилган уйлар** | | | |
| - уй-жойлар сони | 461 | 252 | 322 |
| - хонадонлар сони | 20199 | 11 015 | 13 823 |
| **Қурилиши тугалланмаган уйлар** | | | |
| - уй-жойлар сони | 140 | 374 | 846 |
| - хонадонлар сони | 8 904 | 17 514 | 44 461 |

2022 йилда тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига **37,9** мингта хонадонларни қурилиши учун умумий қиймати **2,1** трлн. сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4** фоизга кўп *(87,4 млрд. сўм)* миқдорида кредитлар ажратилди.

2022 йилда ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан 2021 йилга нисбатан **1**,**2** баравар кўп *(2,8 мингта)* миқдорда кўп квартирали хонадонлар қуриб фойдаланишга топширилди *(3-жадвал)*.

2017-2022 йилларда тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига ажратилган кредитларнинг умумий миқдори **15,9** трлн. сўмни ёки юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг **3** фоизини ташкил этди *(23-расм)*.

**23-расм. Пудрат ташкилотларига кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ажратилган кредитлар миқдори,** *трлн. сўмда*




Мазкур даврда ҳудудлар кесимида ушбу кредитларга бўлган юқори талаб **Тошкент шаҳри** *(ажратилган кредитларнинг 26 фоизи)*, **Сурхондарё** *(12 фоиз)* вилояти ҳамда **Қорақалпоғистон Республикасида** *(9 фоиз)* шаклланган бўлиб, нисбатан камроқ қисми **Навоий** *(2 фоиз)*, **Хоразм** *(2,2 фоиз)*, **Бухоро** *(3,9 фоиз)* вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Эътиборлиси, 2022 йилда пудрат ташкилотларига ажратилган кредитларнинг *(2,1 трлн. сўм)* **14,9 фоизи** *(313 млрд. сўм)* **Сурхондарё**, **13,6** фоизи *(286 млрд. сўм)* **Андижон** вилоятлари ва **10,5** фоизи *(219 млрд. сўм)* **Қорақалпоғистон Республикаси** ҳиссасига тўғри

келди ҳамда ўтган йилларга нисбатан ҳудудларнинг ажратилган кредитлардаги улуши таркибида ўзгаришлар кузатилди *(24-расм)*.

**24-расм. 2022 йилда пудрат ташкилотларига ажратилган кредитларнинг ҳудудлар кесимидаги миқдори,** *млрд. сўмда*




Шунингдек, ажратилган кредитларнинг **23** фоизи *(478,9 млрд. сўми)* “Янги Ўзбекистон” массивларида **6 731** та квартирали **221 та** уй-жойлар қуришни молиялаштириш учун йўналтирилди.

2023 йил 1 январь ҳолатига пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлар қолдиғи **2,8** трлн. сўмни *(ўтган йилга нисбатан 15 фоизга ўсган)*, аҳолига ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи **46,4** трлн. сўмни *(ўсиш 30 фоиз)* ташкил этиб, мамлакат уй-жой бозорига йўналтирилган маблағларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йил 1 январь ҳолатига нисбатан **1,9** фоиз бандга ўсган ҳолда **5,5** фоизга етди *(25-расм)*.

2020 йил 1 январь ҳолатига йилда пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлар қолдиғи 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **2,8** трлн. сўмга камайиб, **1,9** трлн. сўмни ташкил этди. Мазкур камайиш энг аввало глобал пандемия таъсирида иқтисодий фаолликнинг пасайиши билан бир қаторда, банк кредит маблағлари ҳисобидан қуриб битказилган умумий уй-жой қиймати **4,8** трлн. сўм миқдоридаги **23,7** мингта хонадонларнинг сотилиши, шунингдек, жами **7,4** трлн. сўм *(2018 йилга нисбатан 9,7 баравар кўп)* миқдоридаги кредитлар сўндирилиши билан изоҳлаш мумкин *(25-расм)*.

**25-расм. Пудрат ташкилотларига ва аҳолига ажратилан ипотека кредитлари қолдиғининг ЯИМдаги улуши**




